

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Омбор назорати

соҳаси бўйича

Малакалар

1-модул: Логистикага кириш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC va LCCI малакаси

Edexcel, BTEC va LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 97328 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
1-модул: Логистикага кириш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	9
Дарс режаси	21

Кириш

Ушбу буклет Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади.

Спецификация сизга нимани ўргатиш ва нимани баҳолаш кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур буклет сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга амалий машғулотлар, реал сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш усуллари ва мустақил ўқишни бошқариш усуллари, шунингдек баҳолаш усуллари ўз ичига олган ҳолда таълим бериш ва ўрганиш бўйича ғояларни тақдим этади. Шунингдек, рисола спецификацияларнинг мазмуни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатиб беради ва сизни малакани оширишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай олиб бориш бўйича қўлланма;
- малакадаги модулларини тақдим этишни қўллаб-қувватлаш учун тавсия этилган ресурслар;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, машқлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемалари;
- модулларнинг мазмунини ёритиш учун дарсларни қандай ўтказиш ҳақида батафсил қўлланмани ўз ичига олган дарс режалари.

Ушбу буклетдаги маълумотлар, малакаларни ишлаб чиқишда иштирок этган ўқитувчилар томонидан тузилган, шунинг учун улар ВТЕС малакасини тақдим этишнинг янги ва қизиқарли усуллари топиш қийинлигини тушунадилар.

Мазкур буклетда келтирилган ўқув қўлланма, малакани тақдим этишни режалаштиришда нимани эътиборга олиш кераклиги ҳақида маълумотни ўз ичига олади, шу жумладан:

- малакангизнинг тузилмаси
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун малакани шакллантиришингиз мумкинлиги
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва Модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир Модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Логистикага кириш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Қандай қилиб товарлар бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланади? Жавоб – бу логистика сектори. Ўқувчилар логистика ва омбор ташкилотларига ташриф буюриш ва назарияни "амалда" кўриш имкониятига эга бўладилар. Улар логистика секторининг ҳажми ва иқтисодий ҳиссаси, шунингдек, ҳар хил товарларни ташиш ва сақлашни режалаштиришда зарур бўлган мулоҳазалар тўғрисида кенг маълумотга эга бўладилар.

Ушбу Модул ўқувчилар томонидан бажариладиган кўплаб топшириқларга эга бўлган турли хил таълим ва ўқитиш услублари орқали ўрганилади. Ўқувчилар турли хил илмий манбалар ва иш жойларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ушбу модулда сиз ўқитишнинг турли усулларида фойдаланишингиз мумкин, шу жумладан:

- транспортнинг ҳар хил турлари ва усуллари, логистика секторининг иқтисодий ҳиссасини, ташиш ва сақлашга таъсир этувчи Товар турлари ва чекловлар, таъминот занжирларининг интеграцияси ва ушбу секторда омборхоналарнинг ролини аниқлаш учун синфлар ва кичик гуруҳлардаги муҳокамалар;
- товарларнинг турлари ва вақт чекловлари ташиш ва сақлаш воситаларини танлашга қандай таъсир қилишини кўрсатадиган кейс-стади;
- трансчегаравий ташиш талаблари ва таъминот занжири интеграциясини тушунтириш учун турли ташкилотлардан спикерларни таклиф қилиш;
- товарларни сақлашнинг турли функциялари ва усуллари кузатиш мақсадида амалдаги омборларнинг иш жойларига ташриф буюриш;

- модулда келтирилган мавзуларни ўрганиш учун Интернет ва/ёки кутубхона ресурсларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш;
- соҳани яхшироқ тушуниш учун савдо журналлари ва компанияларнинг брошюралари.

Гуруҳда ишлаш бу ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, аммо сиз ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли бўлган ўз шахсий далилларини тақдим этганига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Сиз модулни ўқитиш жараёнига маҳаллий иш берувчиларни жалб қилишингиз мумкин:

- уларни спикерлар сифатида таклиф қилиш;
- ўқувчилар омборга жойлаш ва сақлашнинг реал шароитида ишлашлари учун уларга ўз биноларига кириш ҳуқуқини бериш;
- ўқувчиларга кейс-стади ва мисоллар учун асос сифатида уларнинг иш материалларидан фойдаланиш имкониятини бериш.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

1-модул: Логистикага кириш
<p>Кириш</p> <p>Ўқувчиларни модулнинг спецификацияси билан таништиришдан бошланг. Тақдимот ёрдамида логистика секторлари ва қуйи секторлар билан таништиринг.</p>
А ўқитиш мақсади – Логистика секторлари ва омборда сақлашнинг ролини тушуниш
<p>Ўқувчиларни Модул ва унинг мазмуни билан таништиришдан бошланг ва ёритилиши керак бўлган мавзулар бўйича гуруҳли муҳокамадан фойдаланинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни логистика секторидаги турли ташкилотларни ва улар қайси секторга тегишли эканлигини аниқлаш учун жуфт бўлиб ишлашларини сўранг. Кейин талабалар ушбу ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини муҳокама қилишади. Унинг бир қисми сифатида талабалар транспортда ташишнинг турли усулларини таққослаш имкониятига эга бўладилар. • Ўқувчиларга бирлаштирилган таъминот занжирининг афзалликларини тушунтириш учун логистика ташкилотидан спикерни таклиф қилинг. Кейин ўқувчилар устунлик ва муаммоларни муҳокама қилишади ва 1-топшириқ учун қайд этиб қўйишади. • Ўқувчиларни қуйидаги китоблар билан таништиринг. Ушбу китоблар ўқувчиларга логистика ва таъминот занжири менежменти секторлари ҳақида умумий маълумот бериш учун, дарсдан ташқари мустақил машғулотлар сифатида ўқиб чиқилиши мумкин. <ul style="list-style-type: none"> ○ Chopra, S. – <i>Supply Chain Management: Strategy, Planning, and Operation (Global Edition), Seventh Edition</i>, Pearson (2019), ISBN 978-1-292-25789-1 ○ Christopher, M. – <i>Logistics & Supply Chain Management, Fifth Edition</i>, Pearson Education Limited (2016), ISBN 978-1-292-08379-7 • Амалдаги омборга ташриф буюринг ва ўқувчиларга ташриф буюрилган омборнинг турли функциялари ҳақида бир-бирларидан сўраш учун компания брошюралари/ходимлар маълумотномасидан фойдаланишни сўранг. • Ўқувчиларга логистика соҳасида омборхоналарнинг роли ва функцияларини ўрганиш учун, дарсдан ташқари мустақил машғулотлар сифатида тадқиқот вазифасини тайинланг.

1-модул: Логистикага кириш

В ўқитиш мақсади – Логистика секторининг иқтисодий ҳиссасини тушуниш

Ўқувчиларни ўқишнинг мақсадини таништириш билан бошланг ва у нимани қамраб олишини тушунтиринг. Кейин, ўқувчилар билан бирга А ва В ўқув мақсадларини баҳолаш талабларини кўриб чиқинг.

- Ўқувчилардан, гуруҳларда ишлаш орқали тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни аниқлаш учун Интернетдан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш харажатларини ўрганишларини сўранг.
- Ўқувчилардан Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий фойдалари тўғрисида сўровнома тайёрлашларини сўранг.
- Ўқувчилардан Ўзбекистондаги транспорт инфратузилмасининг блок-схемасини тузиб, уни синфга тақдим этишларини сўранг.
- Ўқувчилардан логистика ташкилотида лавозимга эга бўлиш учун рол ўйнаш орқали икки томонлама суҳбат ўтказишларини сўранг, шу жумладан:
 - малака ва тажрибага қўйиладиган талаблар;
 - тараққиёт имкониятлари;
 - ўқиш ва ривожланиш имкониятлари.
- Ўқувчиларни жуфтликларга ажратган ҳолда, иқтисодиётда интеграциялашган таъминот занжирининг иқтисодий фойдалари ва муаммоларини ўрганинг.

1-модул: Логистикага кириш**С ўқитиш мақсади – Товарлар ҳаракатига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш**

Ўқувчиларни ўқитиш мақсади ва ушбу Модул учун ўқитиш мақсадини қамраб олувчи иккинчи топшириқ бўйича кўрсатма билан таништиринг. Баҳолашга бўлган талабларини тушунтиринг ва топшириқни мустақил равишда, плагиатсиз бажариш муҳимлигини тасдиқланг.

- Турли хил товарларнинг расмлари ёки номлари кўрсатилган карталарни тарқатинг ва ўқувчилардан ушбу товарларни ташиш ва сақлашнинг энг мақбул усулини аниқлаш учун жуфт бўлиб ишлашларини сўранг.
- Гуруҳни иккига бўлинг ва атроф-муҳитга таъсирни муҳокама қилиш учун икки гуруҳ ўртасида мунозарани бошланг, шу жумладан:
 - атроф-муҳитнинг ифлосланиши;
 - чиқиндиларни қайта ишлаш;
 - тескари логистика;
 - ишлаб чиқариш чиқиндилари;
 - тозалаш.
- Халқаро транспорт ташкилотидан таклиф қилинган спикерни таништиринг ва ўқувчилардан қонуний талаблар, шу жумладан керакли ҳужжатларни қўшган ҳолда (иш варақларидан фойдаланиб) саволлар ишлаб чиқишларини сўранг.
- Ўқувчиларни ушбу ўқув мақсадлари бўйича ўз хулосаларини гуруҳнинг қолган аъзолари билан бўлишишларини сўранг. Мавзуларни аниқлаштириш учун гуруҳ муҳокамаларини бошланг.

ВТЕСнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур Модул ушбу малакадаги қуйидаги Модул билан боғланган:

- 3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

Ресурслар

Китоблар

Chopra, S. – *Supply Chain Management: Strategy, Planning, and Operation (Global Edition), SeBenth Edition*, Pearson (2019), ISBN 978-1-292-25789-1

Christopher, M. – *Logistics & Supply Chain Management, Fifth Edition*, Pearson Education Limited (2016), ISBN 978-1-292-08379-7

Веб-сайтлар

www.bizcommмодульу.com/JobIndustries/227/11/ct-10.html – an oBerBiew of career opportunities within the logistics sector.

<https://ciltuk.org.uk/Careers/Jobs> – an oBerBiew of job roles, remuneration and qualifications required for roles within the logistics sector.

www.export.goB/article?id=Uzbekistan-Transportation-and-Warehousing – information about transport and warehousing in Uzbekistan, looking at infrastructure.

<https://freighthub.com/en/blog/modes-transportation-explained-best/> – a business blog identifying the best mode and method of transport for different products.

<http://iteca.uz/trans/eng/ForExhibitors/industry.php> – an oBerBiew of the transport and logistics industry in Uzbekistan.

www.logisticsbureau.com/reBerse-logistics-who-does-it-well/ – a look at why reBerse logistics is an important factor of the supply chain, including benefits to consumers and suppliers.

www.tes.com/teaching-resource/sectors-of-industry-3004255 – a simple PowerPoint explaining the three main industry subsectors.

www.tes.com/teaching-resource/business-studies-primary-secondary-tertiary-industries-picture-sort-11054736 – teaching resources explaining the three main subsectors of industry.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзили ҳали ҳам аниқ, актуал ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни олдиндан кўриб чиқишлари жуда муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга мактаб/коллеж интернетини орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.

Иш схемаси

Модул	1-модул: Логистикага кириш
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш Логистика сектори ҳақида умумий маълумот: бирламчи, иккиламчи ва учламчи қуйи секторлар		<ul style="list-style-type: none"> Кириш: ўқитувчи ўқувчиларга Модул ва қамраб олиниши керак бўлган мавзулар ҳақида маълумот беради. Ўқитувчи учта қуйи секторлар ҳақида тушунча беради. Жуфликда бажариладиган машқлар: жуфтлик бўлиб ишлайитган ўқувчиларга ташкилотларнинг рўйхати тақдим этилади ва улар, унинг қайси учта секторга тегишли эканлигини аниқлашлари керак. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар (ТС).</p> <p>Логистика секторидаги ташкилотлар рўйхати.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Логистика секторидаги ташкилотлар турлари		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи сектордаги турли хил ташкилотларни таништиради. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ҳар бир жуфтлик ўқувчиларга, Интернетда тадқиқотлар олиб бориш, улар нима билан шуғулланаётгани ва ким билан ўзаро муносабатда бўлишларини аниқлаш учун бир турдаги ташкилот тақдим этилади. Жуфтликдаги ўқувчилар ўз натижаларини синфнинг қолган ўқувчиларига тақдим этадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар (ТС).</p> <p>Интернетга фойдаланиш имконият.</p> <p>Кейс-стади.</p> <p>Флипчарт.</p>
3	Таъминот занжири интеграцияси	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Синфдаги муҳокама: ўқитувчи таъминот занжири ташкилотидан таклиф қилинган спикер билан мунозара олиб боради. • Савол-жавоблар сессияси: таклиф қилинган спикер билан. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқитувчи тескари логистика бўйича тақдимот ўтказади. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар тескари логистикани, унинг турли гуруҳлар учун фойдасини кўрсатган ҳолда ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи таъминот занжири интеграцияси ҳақида мунозарани олиб боради ва ундан сўнг ўқув натижаларини умумлаштириш учун савол-жавоб машғулотини ўтказади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Таклиф этилган спикер</p> <p>Интернетга кириш имконият.</p> <p>Флипчарт.</p> <p>Компания брошуралари.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Транспортнинг асосий турлари ва усуллари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи мавзу ва машқларни тақдим қилади. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар транспортда ташишнинг турли хил усуллари ва турларини ўрганиш ва таққослаш учун Интернетдан фойдаланадилар, шу жумладан уларнинг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Ташиш усуллари бўйича тарқатма материал.</p> <p>Флипчарт.</p>
5	Логистика секторида омборга жойлаш ва сақлашнинг роли	Т	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи мавзу билан таништиради. • Синфнинг ташрифи: амалдаги омборга. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ташриф давомида омборга жойлаш ва сақлашнинг роли ҳақида. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ишлаб турган омбор мажмуасига кириш имконияти.</p> <p>Омбор брошюраси ва ходимлар маълумотномаси.</p>
6	Тадқиқот	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар логистика секторидаги турли секторларни, шу жумладан омборга жойлаш ва сақалш ва таъминот занжирининг ролини ўрганадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Логистика секторининг иқтисодий ҳиссаси – харажатлар	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи логистика секторининг иқтисодий харажатларини ифодалайди. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар транспорт тармоқларини ривожлантириш харажатларини ўрганадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Такдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p> <p>Флипчарт.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p>
8	Логистика секторининг иқтисодий ҳиссаси – фойдалар	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи логистика секторининг иқтисодий афзалликларини ифодалайди. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар логистика секторининг иқтисодий харажатлари ва иқтисодиётдаги устунликлари тўғрисида қисқача ҳисобот тузадилар. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар ўз ҳулосаларини синфнинг қолган аъзолари билан муҳокама қилишади. • Савол-жавоблар сессияси: тушуниш даражасини баҳолаш. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Такдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Логистика соҳасидаги бандлик	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи мавзуни таништиради. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар керакли малакалар/тажрибалар, мукофотлар ва хизматда қўтарилиш имкониятларини аниқлаб, ишга жойлашиш имкониятларини ўрганадилар. Шунингдек, улар логистика секторининг маҳаллий ва миллий иқтисодийга қўшадиган ҳиссаси ҳақида билиб олишади. • Синфдаги муҳокама: ўрганиш натижалари ҳақида. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Савдо журналлари.</p> <p>Флипчарт.</p>
10	Савдо	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи Ўзбекистондаги импорт ва экспорт савдосини ифодалайди. • Жуфликда бажариладиган машқлар: талабалар импорт ва экспорт савдоси ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини ўрганадилар. • Синфдаги муҳокама: тадқиқот натижалари ҳақида. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар савдо учун интеграциялашган таъминот занжирининг иқтисодий афзалликлари ва камчиликларини ўрганишади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Савдо журналлари.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	Баҳолаш учун иш дафтари, ўқув мақсади А ва В-вазифа 1	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш машқлари: ўқитувчи баҳолаш учун иш дафтарларини беради ва ўқувчилардан 1- вазифани бажаришларини сўрайди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Модул учун барча ўқув тадқиқот ресурслари.</p> <p>Компютердан фойдаланиш имконияти.</p>
12	Товар турлари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: ўқитувчи ўқувчиларни Ўзбекистонда олиб келинадиган ва сақланадиган турли хил товар турлари билан таништиради. Синфдаги муҳокама: ўқувчилар товарларнинг турлари ва уларни ташиш ва сақлаш учун аҳамиятини муҳокама қилишади. Савол-жавоблар сессияси: тушунишни тасдиқлаш учун. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	Товар турлари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: индивидуал дарслар. • Синфдаги муҳокама: ўтган ҳафтадаги мавзунини такрорлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқитувчи ўқувчиларга Кейс-стадини тарқатади. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар Интернет орқали мустақил ўқиш ўтказадилар ва қисқа ҳисобот ёзадилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Такдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Кейс-стади.</p>
14	Товарларни ташиш ва сақлаш	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер: товарларнинг турлари ташиш ва сақлаш усуллари қандай таъсир кўрсатиши ва уларнинг ролаи ҳақида сўзлаб бериши учун халқаро ташувчи ташкилотдан таклиф этилган спикер. • Синфдаги муҳокама: Таклиф этилган спикер – савол-жавоб. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Такдимот учун слайдлар.</p> <p>Таклиф этилган спикер</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p>
15	Баҳолаш учун иш дафтари, ўқув мақсади А ва В-вазифа 2	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш машқлари: ўқитувчи баҳолаш учун иш дафтарларини беради ва ўқувчилардан 2-вазифани бажаришларини сўрайди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Модул учун барча ўқув тадқиқот ресурслари.</p> <p>Компютердан фойдаланиш имконияти.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	Турли хил товарлар – ташиш турини, сақлаш усулини, маркировкалаш ва хавфсизлигини танлаш	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи, турли хил товарларнинг ташиш турига, сақлаш усулига, маркировкалаш ва хавфсизлигини танлашга таъсири ҳақида тақдимот орқали мавзунини ифодалайди. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар этикеткалар ва транспорт воситаларининг турларини аниқлайдилар ва уларни ҳар хил товарлар билан таққослайдилар. • Мустақил бажариш учун машқ: талабалар тескари логистикани ўрганадилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар транспорт ва сақлаш операцияларининг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олишади. • Савол-жавоблар сессияси: тушунишни баҳолаш учун ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Интернет ва кутубхонага кириш имконияти.</p> <p>Флипчарт.</p> <p>маҳсулот/қадок этикеткалари ва расмли карточкалар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17	<p>Товарларни ташиш ва сақлаш усулини танлашдаги вақт чекловлари</p> <p>Истеъмолчи ва истеъмолчи талаблари</p> <p>Аниқ муддатда (Just in Time), божхона талаблари, яроқлилиқ муддати</p>	Т	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи транспорт тури ва сақлаш усуллари танлашга таъсир кўрсатувчи вақт чекловлари тўғрисида тақдимот ўтказди. • Синфнинг ташрифи: операцияларни кузатиш учун божхона омборига. • Савол-жавоблар сессияси: ўқитувчи ташриф давомида тушуниш даражасини баҳолашни ўтказди. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар омборнинг ишлашига ва транспорт турини танлашга таъсир қилувчи қонуний ва норматив талабларни муҳокама қиладилар. • Синфдаги муҳокама: натижаларни ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш. • Савол-жавоблар сессияси: тушуниш даражасини баҳолаш. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Иш дафтари.</p> <p>Товарлар божхона назорати остида бўлган амалдаги омборга кириш имконияти</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	Баҳолаш учун иш дафтари, ўқув мақсади А ва В-вазифа 3 ва 4	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш машқлари: ўқитувчи баҳолаш учун иш дафтарларини беради ва ўқувчилардан 3 ва 4-вазифани бажаришларини сўрайди. • Кириш: ўқитувчи модулда келтирилган барча мавзуларни муҳокама қилишни бошлайди. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар барча мавзуларни ўрганадилар ва логистика секторининг муҳимлигини муҳокама қиладилар. • Савол-жавоблар сессияси: ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг материални тушуниш даражаси баҳоланади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Модул учун барча ўқув тадқиқот ресурслари.</p> <p>Компютердан фойдаланиш имконияти.</p>
19	Модулда келтирилган барча мавзуларнинг умумий шарҳи	ММ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи модулда келтирилган барча мавзуларни муҳокама қилишни бошлайди. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар барча мавзуларни ўрганадилар ва логистика секторининг муҳимлигини муҳокама қиладилар. • Савол-жавоблар сессияси: ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг материални тушуниш даражаси баҳоланади. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Модул учун барча ўқув тадқиқот ресурслари.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20	Модулнинг шарҳи ва фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчини баҳолашни ўқитувчи билан/шахсан кўриб чиқиш: имтиҳон олувчининг фикр-мулоҳазаларини муҳокама қилиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар гуруҳ иши сифатида, кучли ва яхшиланиши керак бўлган томонларини аниқлаб, ўзлаштириш даражасини кўриб чиқадиладар • Мустақил бажариш учун машқ: айрим ўқувчилар ўз ишларини тўғрилайдилар ва керак бўлса қайта топширадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Бутун Модул бўйича тўқувчининг фикр-мулоҳазалари. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Модул учун барча ўқув тадқиқот ресурслари.</p> <p>Флипчарт.</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	1 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 1-модулнинг талаблари. • Баҳолаш ва натижаларга эришиш мезонлари. • Логистика секторининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи қуйи секторлари.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Логистика сектори шарҳи бўйича тақдимот (ТС). • Логистика қуйи секторидаги турли ташкилотлар рўйхати (МР). • Флипчарт.
<p>Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайдлари; БМ: Баҳолаш машқлари.</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Бошланғич машқ (60 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи: <ul style="list-style-type: none"> ○ дарснинг мақсадларини ифодалайди; ○ модулни ифодалайди ва модулни асосий мавзулари ҳақида умумий маълумот беради; ○ модулни баҳолаш талабларини тушунтиради; ○ модулни мазмуни, иш берувчининг иштироки ва плагиатни кўчирмачиликни ўз ичига олган вазифалар ва тахминларни тушунтиради; ○ ўқувчилар ўқув мақсадларини гуруҳда муҳокама қилишади.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Ўқитувчи флипчартда гуруҳ муҳокамасидаги асосий фикрларни бирлаштиради ва қайд этади. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Логистика секторининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлари тўғрисида ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот. • Ўқитувчи ўқувчиларни жуфтларга ажратади ва улардан логистика секторидаги 20 хил турдаги ташкилотларни аниқлаш ва санаб ўтишларини сўрайди. • Ўқитувчи рўйхатларни олади, уларни текширади ва турли хил жуфтликдаги талабалар ўртасида тақсимлайди. • Ўқувчилар жуфт бўлиб, ҳар бир ташкилотни муҳокама қиладилар ва тегишли қуйи секторга жойлаштирадилар. • Ўқитувчи машғулотларни жуфт ҳолда олиб борилган ишлардан келиб чиқиб бирлаштиради ва фикр-мулоҳазаларини билдиради.
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи индивидуал тушунишни баҳолаш учун турли қуйи секторлар ва уларнинг таърифлари бўйича савол-жавоб машғулотларини ўтказди. • Ўқитувчи ўқув ва баҳолаш мақсадларини такрорлайди.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	2 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Логистика соҳасидаги турли ташкилотлар. • Турли ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқалар. • Соҳадаги турли ташкилотларнинг роли.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • логистика соҳасидаги турли ташкилотлар ҳақида тақдимот (ТС). • Ўқувчилар учун Интернетга кириш имконияти. • Логистика секторидаги турли ташкилотлар асосида аниқ мисолларни ўрганиш усуллари (МВ). • Флипчарт.
<p>Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайдлари; БМ: Баҳолаш машқлари</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Бошланғич машқ (45 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи машқнинг мақсадларини таништиради. • Ўқитувчи ўқувчиларни ушбу сектордаги турли ташкилотлар, шу жумладан божхона органлари, экспедиторлар, транспорт ташкилотлари, омбор ташкилотлари, интермодал темир йўл ва ҳаво орқали ташиш транспортлари билан таништиради. • Ушбу турли ташкилотлар бир-бири билан қандай муносабатда бўлиши тўғрисида ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган мунозаралар.
Асосий машқлар (105 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Ўқитувчи ўқувчиларни жуфтларга ажратади ва ҳар бир жуфтликка тадқиқот учун ташкилотлардан бир турини беради. • Ўқувчилар жуф ҳолда ушбу турдаги ташкилотни тадқиқ қилиш учун Интернет тармоғидан фойдаланишади ва у нима қилишини, таъминот занжирида ким билан ўзаро муносабатда ишлашини аниқлайдилар. • Жуфтликда ўқувчилар ташкилотнинг таъминот занжирининг қайси бўлимида жойлашганлиги ва унинг ўзаро ишлаётган бошқа ташкилотлар билан қандай алоқаси борлигини кўрсатувчи блок-схема тузадилар. • Ўқитувчи жуфтликдаги ўқувчиларни назорат қилади ва йўналтиради. • Ўқитувчи ўқувчининг ишини олади ва уни шарҳлар ва фикр-мулоҳазалар олиш учун турли хил жуфтликларга тақсимлайди. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (45 дақиқа) • Ўқувчилар жуфт бўлиб, бошқа ўқувчиларнинг натижаларини қисқача муҳокама қилишади. • Жуфтликдаги ўқувчилар турли хил ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни намойиш этишга ёрдам берувчи блок-схемадан фойдаланиб, ўз хулосаларини гуруҳнинг қолган аъзолари билан бўлишадилар. • Ўқитувчи асосий фикрларни бирлаштиради ва флипчартга ёзиб қўяди.

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи дарсда кўрсатиб ўтилган машғулотнинг асосий пунктларини тасдиқлайди. • Ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал тушунишини баҳолаш учун савол-жавоб машғулотларини ўтказди.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар логистика секторидаги ташкилотнинг яна бир турини ўрганадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	3 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Таъминот занжири интеграцияси. • Интеграциялашган таъминот занжирининг афзаллиги. • Таъминот занжирларини интеграциялашда фойдаланиладиган усуллар.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Таъминот занжири ташкилотидан таклиф этилган спикер. • Интернетга кириш имконияти. • Флипчарт. • Компания ҳақида брошюра (таъминот занжири ташкилоти) • Таъминот занжири интеграцияси бўйича тақдимот (ТС).
<p>Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайдлари; БМ: Баҳолаш машқлари</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Машқ мақсади билан таништириш учун ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган тақдимот. • Ўқитувчи таъминот занжири интеграцияси мавзусини тақдим этади, унга қуйидагилар киради: сифат стандартларини уйғунлаштириш; маълумотлар алмашинуви; интеграциялашган технологик тизимлардан фойдаланиш; вазифаларни мувофиқлаштириш; ва хизмат кўрсатиш даражаси.
Асосий машқлар (105 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Таъминот занжирларини интеграциялаштириш бўйича ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган мунозаралар, сўнгра ўқувчилар билан савол-жавоблар сессияси. • Ўқитувчи ўқувчиларни таъминот занжирлари интеграциясига ёрдам берадиган асосий омилларни муҳокама қилиш ва ёзиш учун кичик гуруҳларга ажратади.
	<ul style="list-style-type: none"> • (45 дақиқа) • Ўқитувчи таклиф этилган спикерни таништиради ва ўқувчилардан ўзлари бермоқчи бўлган саволларни ёзиб қўйишларини сўрайди. • Таклиф этилган спикер таъминот занжирининг интеграцияси ҳақида сўзъзлаб беради. • Ўқитувчи ўқувчилар ва таклиф этилган спикер ўртасида савол-жавоблар сессиясини олиб боради. • Ўқитувчи машқнинг асосий фикрларини умумлаштиради.
	<ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Ўқитувчи тескари логистика бўйича тақдимот ўтказади. • Талабалар тескари логистикани индивидуал равишда Интернетдан ўрганадилар ва унинг истеъмолчилар ва чакана сотувчилар/ишлаб чиқарувчилар учун фойдасини аниқлайдилар.

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Яқуний машқ (45 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Таъминот занжири интеграцияси ва тесқари логистика бўйича ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган мунозаралар ва савол-жавоблар сессияси. • Ўқитувчи ўқув ва баҳолаш мақсадларини такрорлайди.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар таклиф этилган спикернинг ташкилотини ўрганадилар ва ушбу ташкилот таъминот занжирини интеграциялашга қандай ёрдам бераётганини ёзиб оладилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	4 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • юкларни ташишда қўлланиладиган асосий усуллар. • Юкларни турли йўллар билан ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари/контейнер турлари. • Ўзбекистонда фойдаланиладиган транспорт турлари.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Транспортнинг асосий турлари ҳақида тақдимот (ТС). • Ўқувчилар тадқиқот ўтказишлари учун Интернет ва кутубхонадан фойдаланиш имконияти. • Ташиш усуллари бўйича босма ёки электрон шаклдаги тарқатма материаллар. • Флипчарт.
<p>Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайдлари; БМ: Баҳолаш машқлари</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи ўқувчиларни машқларнинг мақсадлари билан таништиради. • Ўқитувчи ўқувчиларга, юкларни ташишнинг асосий турлари ва усуллари, шу жумладан автомобил, темир йўл, ҳаво, интермодал ва қувур линиялари ҳақидаги мавзунини тақдирот ўтказиш орқали таништиради.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Ўқитувчи ўқувчиларни уч кишидан иборат гуруҳларга ажратади ва ҳар бир гуруҳга юкларни ташишнинг асосий турлари ва усуллари ўрганиш учун Интернет ёки кутубхона ресурсларидан фойдаланишни сўрайди. • Ўқитувчи тадқиқот ишларини назорат қилади ва йўналтиради. • Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга транспортнинг ҳар хил турларини беради ва улардан Ўзбекистонда қандай фойдаланилишини аниқлашни сўрайди. <ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Гуруҳларда ўқувчилар турли хил транспорт турлари ва усулларнинг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилиб, ўзларининг хулосаларини ёзишади. • Ҳар бир гуруҳи ўз хулосаларини синфга тақдим қиладилар ва бунда агар керак бўлса флипчартдан фойдаланадилар. • Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ва бошқа ўқувчилар ўртасида савол-жавоб сеансини бошлайди. <ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Ўқитувчи юкларни ташишнинг турли турлари ва усуллари гуруҳий муҳокама қилишга тўртки беради. • Ўқитувчи индивидуал тушунишни тасдиқлаш учун машқнинг ўқув мақсадларини такрорлайди.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар ҳар бир транспорт турининг ижобий ва салбий томонларини мустақил равишда таҳлил қиладилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	5 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Омборнинг турли функциялари. • Логистика секторида омборга жойлаш ва сақлашнинг роли.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Амалдаги омбор мажмуасига кириш имконияти, шу жумладан хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш бўйича кўрсатма. • Омбор брошюраси ёки ходимлар учун маълумотнома.
--------------------------	---

Калит: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** Тақдимот слайдлари; **БМ:** Баҳолаш машқлари

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
<p>Бошланғич машқ (30 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи ўқувчиларни омбор бўйича гид билан таништиради. • Ўқитувчи/гид талабаларга саломатлик ва омбордаги хавфсизлик тўғрисида маълумот беради. • Ўқитувчи ўқувчилардан омбор бўйлаб экскурсия пайтида юзага келадиган саволларни ёзиб олишларини сўрайди. • Ўқитувчи омбор брошюралари/ходимлар маълумотномаларини тарқатади.
<p>Асосий машқлар (120 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Омбор бўйича гид ўқувчиларга ҳар бир бўлимнинг вазифаларини тушунтирган ҳолда омборнинг ҳар бир ҳудудига олиб боради. • Ўқувчилар хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш талабларига риоя қилган ҳолда гидга ҳамроҳлик қиладилар ва омбор бўйлаб экскурсия пайтида юзага келадиган саволларни ёзиб борадилар. • Ўқитувчи талабаларнинг ҳар доим тартиб-қоидаларга амал қилишларини кафолатлайди. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Ўқитувчи ўқувчиларни омборхонадаги мажлислар залига тўплайди ва гиддан уларнинг саволларига жавоб беришни сўрайди. • Ўқувчилар ўзларининг саволларига жавоб ёзиб оладилар. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (30 дақиқа) • Ўқувчилар омбор брошюрасини ўрганадилар ва индивидуал равишда ўз курсдошларидан сўраш учун ушбу омборнинг таъминот занжиридаги роли тўғрисида савол тузишади. • Ўқитувчи ўқувчиларни курсдошларидан бирига савол бериш учун навбат билан тайинлайди.

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи раҳбарлигида омборга ташриф ва логистика секторида омборга жойлаш ва сақалшнинг роли тўғрисидаги асосий фикрларни ўрганиш бўйича муҳокамалар. • Ўқитувчи ўқув ва баҳолаш мақсадларини такрорлайди.
Синфдан ташқари мустақил иш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар логистика секторида омборга жойлаш ва сақлашнинг ролини ўрганадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар
Модул	1-модул: Логистикага кириш
Дарс рақами	6 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчиларни қуйидагилар билан таништириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтарининг 1-топшириғи (ўқув мақсадлари А ва В учун). • 1-топшириқни баҳолаш талаблари. • Ўрганилган мавзулар бўйича хулоса қилиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси. • Тадқиқотлар учун Интернет ва кутубхонага кириш имконияти. • Флипчарт.
<p>Калит: МР: Машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайдлари; БМ: Баҳолаш машқлари</p>	

Машқ	Ўқитувчи қайдлари
<p>Бошланғич машқ (45 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи машқ мақсадлари билан таништиради. • Ўқитувчи 1-топшириқни бажаради ва юзага келадиган саволларга жавоб беради. • Ўқитувчи бугунги кунга қадар барча ўқув фаолиятни умумлаштиради, шу жумладан логистика сектори ва қўйи секторлари шарҳи; логистика секторидаги ташкилотлар турлари; таъминот занжири интеграцияси; юкларни ташишнинг асосий турлари ва усуллари; омборга жойлаш ва сақлашнинг логистика секторидаги ўрни. • Ўқитувчи ушбу мавзуларни гуруҳий муҳокама қилишга туртки беради.
<p>Асосий машқлар (105 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • (60 дақиқа) • Ўқувчилар Интернетдан ва/ёки кутубхона ресурсларидан фойдаланган ҳолда юқорида муҳокама қилинган мавзуларни ўрганиш учун индивидуал равишда ишлайдилар. • Ўқитувчи тадқиқот фаолиятини кузатиб боради ва пайдо бўлаётган саволларга жавоб беради. • Ўқувчилар 1-топшириқ ҳақида хабар бериш учун қайдлар қиладилар. <hr/> <ul style="list-style-type: none"> • (45 дақиқа) • Ўқитувчи ўқувчиларни уч кишилик гуруҳларга ажратади. • Гуруҳларда ўқувчилар ўз хулосаларини муҳокама қиладилар ва ёзувларни таққослайдилар. • Ўқитувчи ўқувчиларни ҳар хил курсдошлари билан уч кишилик гуруҳларга ажратади. • Янги гуруҳларда ўқувчиларни ўз хулосаларини муҳокама қиладилар ва ёзувларни таққослайдилар.
